



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 4 июнь, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (12.928)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Шукр Бурхонов номидаги маҳалла хонадонлари сони олтига тўрттага кўпайди. Бу ерда фойдаланишга топширилган «Камолот» уйларига кўчиб келган оилалар қисқа вақтда маҳалла фахрига айланиб улгурди. Ахир, давлат мукофотлари билан тақдирланган, нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда голиб бўлган, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритган ёшлар билан маҳалладош бўлиш кимга фахр ва ғурур бағишламайди дейсиз?!



Аъло Абдуллаев олган сурат

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШ ОИЛАЛАРГА АТАЛГАН УЙЛАР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда баркамол авлод келажаги йўлидаги эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор асосида тасдиқланган Давлат дастури ва ҳаракат режасига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Тошкент шаҳрида кўп қаватли «Камо-

лот» уйлари қуриш ва ижтимоий фаол ёш оилаларга имтиёзли кредит эвазига, бошланғич бадалсиз бериш тартиби белгиланган. Бу вазифаларни тизимли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Сergели туманида барпо этилган иккита тўрт қаватли «Камолот» уйи юртимизда ёшларимиз ҳеч нарсадан ҳеч қачон кам бўлмаслиги учун яратилаётган беқиёс имкониятларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Мазкур уйлارда ёш оилалар учун яратилган қўлайликлар замонавий шаҳарсозлик ва бинокорлик талабларига тўла жавоб беради. Табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатда бунёд этилган уйлар қурилишида юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳамда маиший электр техника воситалари билан жиҳозланган эътиборга лойиқдир.

...Уй тевараги гулзор, кишининг бахри дили очилади. Ховлида болалар майдончаси, автомашиналар учун алоҳида тўхташ жойи барпо этилган. Бу ерда болажонларнинг мириқиб ўйнаб-қулиши, оила аъзоларининг сайр қилиши ва дам олиши учун ҳам шароитлар ҳисобга олинган.

Икки ва уч хонали уйлارда ҳар бир оиллага алоҳида иситиш тизими ўрнатилган. Йўлақлар кираверишида болалар аравачалари учун махсус жойлар қурилган.

— Камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак баҳолангандан бошим осмонга етди, бу қувончим бутун умр хотирамда сақланиб қолади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти кичик илмий ходими Зафар Иброҳимов. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигига илм-фанда янгидан-янги марраларни забт этган ҳолда муносиб жавоб қайтарамиз.

Бехзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

ҲУҚУҚШУНОСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда «Суд кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамда АҚШ Федерал суд маркази, «Минтақавий мулоқот» (Словения) халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, олий юридик таълим ва илмий муассасалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров ва бошқалар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими яратилганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ амалга оширилган ислохотлар самарасида суд ҳокимияти ҳар томонлама мустақамланиб бормоқда.

Демократия ривожини, ислохотлар самараси ва жамият равижи кўп жиҳатдан суд тизими ходимларининг билим ва малакаси ҳам боғлиқ. Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни кучайтириш, ҳуқуқшунослар малакасини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистонда бу борада эришилган ижобий натижалар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эъти-

роф этилмоқда. Мамлакатимизда миллий тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилиш, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини оширишга доир хорижий амалиёт ва соҳага халқаро стандартларни татбиқ этишга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида юқори малакали кадрлар тайёрланаётгани ҳуқуқий ишлар сифати ва тезкорлигини ошириш, одил судловни таъминлаш имконини бермоқда. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, масофавий таълим олишнинг илғор усулларини қўллашга қаратилган дастурлар бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилаётди.

Анжуманда мамлакатимизда ҳуқуқшунослар тайёрлашнинг яхлит тизими барпо этилгани, юридик таълим ва ҳуқуқшунослик фанини ўқитишни янада такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган суд кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасидаги ишлар катта самара бераётгани қайд этилди.

Ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда ҳар йили суд-ҳуқуқ тизимининг икки мингдан зиёд мутахассиси билим ва кўникмасини оширмоқда. Марказда ўқув машғулотларини олиб бориш учун ихтисослашган аудиториялар, компьютер ва тест хоналари, суд зали, кутубхона ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази мавжуд бўлиб, улар барча замонавий ўқув-услубий воситалар, электрон технологиялар билан жиҳозланган.

Марказда назарий, машғулотлар амалиёт билан узвий боғланган тингловчиларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили билан мунтазам таништириб бориш, суд кадрларининг касб маҳоратини ошириш ва мантлий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун «Давлат бюджети ижросининг гизначилик тизими» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда бюджет тизими ислохоти» қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинар-тренингдан қўзланган мақсад журналистларнинг мамлакатимиз гизначилик тизими вазифалари хусусидаги хабардорлик даражасини оширишдан иборат. Ушбу тадбир Ўзбекистон бюджет тизимини ислох этиш масалаларига бағишланган турқум семинарлардан бири бўлди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг салмоқли натижаларини бераётгани таъкидланди. Чунончи, солиқ юки босқичма-босқич камайтирилиб, иқтисодиётимиз барқарор ривожланмоқда ва соҳада давлат дастурларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ортмоқда. Шунингдек, ижтимоий соҳалар янада ривожланиб, аҳоли даромади, жамғарилган маблағлари ва харид қобилиятида ўсиш кузатилаётди.

Семинар-тренинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Гизначилиги тузилмаси ва унинг вазифалари, Давлат бюджети ижросини таъминлашда гизначилик тизими хусусиятлари ва бу борадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий база атрофича кўриб чиқилди.

— Бундай семинарларда иштирок этиш журналистларнинг бюджет тизимида рўй бераётган ўзгаришлардан хабардорлигини оширади, — дейди лойиҳа менежери Файзулла Саломхиддинов. — Бу, ўз навбатида, оммавий ахборот воситаларида узатилаётган хабар ва таҳлилий материаллар сифатини оширишга ёрдам беради.

Б.ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган суҳбат
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарёда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари дастур доирасида таъмирланган «Йўлдош» насос станцияси, Қарши туманидаги «Нажоткор замин ҳосилоти» фермер хўжалигида жорий этилган томчилатиб ва эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш тизими, ҳудуддаги ЮК-5-8 коллектори, жойлардаги ирригация ва мелиорация тизимларида амалга оширилган ишлар, қорхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари фаолияти билан танишди.

• Тошкент марказий темир йўл вокзалида Хоразм вилоятидан келган 40 нафар ўғил-қиз тантанали кутиб олиниб, пойтахт вилоятининг Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги «Бойчечак» ҳамда «Меҳржон» оромгоҳларига кузатиб қўйилди.

• Фарғона вилоятида саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида 3 минг 825 истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида 805 миллиард сўмликдан зиёд инвестиция ўзлаштирилиб, 23 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

• Термизда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Сурхондарё вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 684 диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият юритмоқда. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида 14 маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ ҳукумати миллий иқтисодиёти ривожига оид прогнозларини пасайтиради. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,7 фоиз қисқарди. Изоҳланишича, мамлакатда кузатилган кучли қор бўронлари, ғарбий соҳиллардаги портларда уюштирилган иш ташлашлар ва яна бир қанча омиллар саноат ҳамда савдо соҳаларига салбий таъсир кўрсатди.

• Франция меҳнат бозоридаги вазият тобора мураккаблашиб бормоқда. Гап шундаки, апрелда мазкур давлатда ишсизлар сони 3,53 миллион кишига етган. Бу март ойидагига қараганда 0,7 фоиз кўп. Мамлакат меҳнат вазирининг айтишича, ҳақиқатан ҳам, ҳозир бандлик масаласида аҳвол қониқарли эмас. Ишсизликни камайтириш эса иқтисодий фаолликнинг тикланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан «Сиёсий ҳушёр, маънавий етук ва ватанпарварлик ғоялари билан шаклланиган, ҳар қандай қалтис ҳолатларда жамият манфаатлари йўлида тўғри қарор қабул қила оладиган раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ўстувор вазифалар: муаммо, ечим ва янги тажрибалар» мавзuida анжуман ташкил этилди.

Анжуманлар

ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ислохотларни замонавий талаблар даражасида амалга оширишга лаёқатли бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга».

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов ва бошқалар Юртбошимиз ташаббуслари билан кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос миллий тизими яратилганлиги ўз самарасини бераётганини таъкидлаб ўтишди.

Бинобарин, замонавий раҳбар кадрлар менежмент, тизимли таҳлил ва ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг истиқболлини белгилаш, стратегик режалаштириш услублари, давлат ва жамият қурилишини изчил демократлаштириш шароитларида бошқарув қарорларини қабул қилиш назарияси ва амалиётини ўзлаштириш бўлиши зарур.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш каби қатор йўналишларга қаратилган ислохотлар ўз ўрнида юқори малакали кадрлар тайёрлашни талаб этмоқда. Чунки, давлат ва жамият бошқаруви бугун бозор иқтисодиёти ва монетар сиёсат, менежмент ва маркетинг, молия-банк тизими соҳаларида мустаҳкам билимларга эга бўлган, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш дастурларини амалга оширишда бошқарув кўникмаларига эга раҳбар кадрларни таъزو қилмоқда.

Бугунги давр талабига кўра чинакам раҳбар кадрлар ахборот-коммуникация

технологияларида эркин ишлаш олиш, ўзбек ва инглиз тилларини мукамал билиш, ўз фикрини эркин, ёзма ва оғзаки равишда баён қила олиш, Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати йўналишларини тушуниш, ходимларни ўз ирода-сига бўйсундира олиш, таҳлил қилиш, психологик барқарорлик, ўз устида доимий ишлаш, соғлом турмуш тарзи, кенг дунёқараш, стратегик фикрлаш, раҳбар этикаси (ўз шаънига доғ туширмаслик) каби сифатларга эга бўлиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча органлари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизими яратилган. Академияда давлат бошқаруви ҳамда жамият бошқаруви мутахассисликлари бўйича икки йиллик дастур асосида бошқарув кадрлари тайёрланади ва магистрлик даражаси берилади. Барча турдаги ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлилий фаолият олиб борилади.

Раҳбар кадрларнинг қобилиятини баҳолашда унинг интеллекти, таҳлил қилиш қобилияти, тавakkал қилишга тайёрлиги, мулоқот, низоларни бошқариш қобилияти, эмоционал вазминлик, билим ва тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, кадрларнинг қобилиятини баҳолаш усуллари сифатида интеллектуал даражани аниқлашга қаратилган тестлар, суҳбат ва гуруҳ баҳолари қўрилишида интеллектуал усуллар, мотивацияни аниқлаш мақсадидаги тестлар, интервью, стресс-интервью, сўровнома, иш фаолияти бўйича тестлар, меҳнат биографияси, тавсифнома, суҳбат ўтказиш каби усулларни ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, анжуманда раҳбар кадрларни тайёрлашда миллий ва халқаро талаблар эътиборга олинаётгани, бу борада ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Шоира МУХАМЕДОВА



Ахборот технологиялари — тараққиёт гарови

Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

ҲУҚУҚШУНОСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юристар малакасини ошириш маркази билан АҚШ Федерал суд маркази ўртасида изчил ҳамкорлик алоқалари ва ўзаро фаол таъриба алмашинуви йўлга қўйилган.

АҚШ Федерал суд маркази директори Жереми Фогель Америкада судьяликка тайинлаш амалиёти, судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар хусусида сўзлади. Ўқув жараёнида судьяларни масофавий ўқитиш ва бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга доир масалаларга эътиборни қаратди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг қўламли ислохотлар самараларига юксак баҳо берди. Юристар малакасини ошириш марказида суд кадрларини тайёрлаш амалиёти яхши йўлга қўйилгани, бу Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг янада ривожланишида ва унинг мустақиллигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг суд кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими менда катта таассурот қолдирди, — деди Ж.Фогель. — Судьяликка

тайинланадиган шахсларнинг муайян тартибда ўқиши ва стажировка ўташи шартлиги соҳага ҳар томонлама етук кадрларни, муайян иш таърибасига эга шахсларни жалб этиш имконини бермоқда. Бу суд ишлари самарадорлигини ошириш, энг муҳими, инсон ҳаёти ва тақдирини боғлиқ масалаларни адолатли ҳал этишга замин яратмоқда. Ўзбекистонда судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Бу ишларни кўриб чиқиш мuddатини қисқартириб, фуқароларнинг вақти, маблаг тежалиши, ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишига ёрдам бермоқда. Биз Ўзбекистон билан бу борада фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамыз.

Халқаро анжуманда мазкур йўналишда тупланган илгор таърибларни оммалаштириш, бу борадаги халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш, суд ишларига ахборот-коммуникация технологияларини, хусусан, «онлайн» малака ошириш курсларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Ҳар бир давлат, жамият ўз мамлакатининг равнақи, ривожланишини биринчи навбатда табиий заҳиралари, қазилма ва бошқа бойликлари билан эмас, балки халқнинг илмий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, ёш авлоднинг билимга, ҳаётга бўлган муносабатига деб билади. Шу тўғрисида давлатнинг келажаги порлоқ, буюк бўлишига ҳаракат қилувчи давлатлар аввало ёшлар тарбиясига, уларнинг соғлом ўсишига доир барча чораларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори вояга етмаганларнинг таълим-тарбиясига масъул вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича кенг қўламли ишларнинг амалга оширилишига асос сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бинобарин, кейинги пайтларда кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ноқбил оилалар билан ишлашда маҳалла фаоллари, болаларнинг ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларини ривожлантиришда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар билан ишлашда ички ишлар идоралари, ўқувчиларнинг ҳуқуқий таълим-тарбияси соҳасида ҳуқуқ-тартибот органлари, соғломлаштириш борасида соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорлик ишлари мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришмоқда. Лекин амалга оширилаётган режалар ишларга қарама-дан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Ҳўш бунинг асосий туб илдизлари нимада? деган ўринли саволнинг тўғилиши табиий.

Охириги вақтларда айрим вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиб, аҳоли гавжум жойлар, бозор ва чорраҳаларда тиланчилик билан шуғулланишининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Кўча-кўйларда бесўроқ, назоратсиз юрган ўсимларга нисбатан лоқайдлигимиз оқибатида улар уйдан совиб, ўзбошимчилик билан дуч келган жойларда ўзларига ўхшаш турли шахслар билан яшаб келмоқдалар. Маҳалла фаолларининг эътиборсизлиги, айрим педагог ходимларнинг номуносиб хатти-ҳаракатлари мақсадсиз ва назоратсиз қолган болалар сонининг кўпайиб, ёшлар ўртасида турли хил жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келмоқда. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўсишига яна бир сабаб — жамиятимизда учраб турадиган носоғлом оилаларнинг мавжудлигидир. Чунки бола тарбиясининг илк босқичи — пойдевори оиладир.

Республикамиз раҳбарияти томонидан ёш авлоднинг соғлом ва етук тарзда ўсиб-ўлғайиши учун барча шарт-шароитлар яратиб беришмоқда. Бироқ Ватанимиз ке-

лажаги ҳисобланмиш ёшларнинг соғлом фикр эгалари бўлишлари, ҳаётда тўғри йўл топиб кетишлари учун эса биринчи ўринда ота-она ва мактабдаги ўстозлар масъулдирлар. Аммо баъзи ота-оналар фарзандларининг тарбияси, уларнинг нима билан машғулликлари билан қизиқмаганликлари, бўш вақтларини қандай ўтказётганиларини назорат қилмаганликлари, уларнинг онига «Устоз отангдек улу» каби мақол ва ҳикматли сўзларни сингдириб ўрнига, одоб-андиша каби инсоний фазилатларга умуман ёт бўлган руҳда тарбиялаётганликлари оқибатида жиноят йўлига кириб, ота-она,

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

маҳалла, қолаверса, мактабдаги ўстоз-мураббийларнинг номига доғ тушираётганларнинг учраётганлиги ачинарли ҳол, албатта. «Қарс икки кўлдан чиқади» деганларидек, ички ишлар хизмати ходимлари ҳамда мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлар, учрашувларини янада кўпроқ ташкиллаштириб, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатуви ва уларни назоратсиз қолдираётган ота-оналарга қонун доирасида чоралар белгиланса фойдадан холи бўлмайди.

Болалар тарбиясига лоқайд ва эътиборсиз бўлишнинг қандай янчили оқибатларга олиб келишини эса қуйидаги мисолдан ҳам билиб олишимиз мумкин. Ол-мазор туманида истиқомат қилувчи ҳеч қандай ишлам-майдиган Мурод Маҳмадов ва унинг ҳамтовови Давид Борисов (исми шарифлар ўзгартирилган) талончилик мақсадида кекса аёл Олеса Лужинанинг хонадонига алдов йўли билан кириб, ғаразли мақсадларни кўзлаган ҳолда шафқатсиз тарзда унинг ҳаётига зомин бўлганлар ва марҳумга тегишли бўлган катта миқдордаги пул ҳамда қимматбаҳо буюмларни олиб, жуфтаникни ростлаганлар. Ажаблანарли томони шундаки, О. Лужина М. Маҳмадовнинг онасининг қалин дўғонаси эди. Қани бу ерда андиша ва катталарга ҳурмат ҳисси?

Жиноят жазосиз қолмади деганларидек, ушбу қотиллик жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди

томонидан кўриб чиқилиб, тарбияси бузилган ҳар иккала ҳамтововқа 19 йилдан қамоқ жазоси тайинланди. Шу тариқа қилмишига яраша икки нафқирон йигитча ҳаётининг энг яхши йилларини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Холбуки, ёшлигидан уларнинг тарбиясига эътиборли бўлишганида эди, шундай оғир жиноят юз бермасди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишга албатта ҳар биримиз масъулмиз. Болалар тарбиясига энг муҳим масалалар сифатида қараш, жиноятчиликнинг олдини олишнинг долзарб вазифа экани ҳеч кимга янгилик эмас. Биз биринчи навбатда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун уни юзага келтирадиган омилларни йўқотишимиз зарур. Бунинг учун эса тарбияси оғир болаларнинг ижтимоий аҳолини кенгрок ўрганиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни турли салбий оқимлар ва таъсирлардан сақлаш тадбирларини қулайтириш, уларнинг ота-оналари, яшаётган муҳит — маҳалла билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар олиб бориш лозим. Бу борада албатта маҳалла фаолларининг катта таъсир кучидан фойдаланиш керак. Зеро, ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишлардаги камчиликлар, айниқса, оила, мактаб ва ўрта махсус ўқув юрларида, қолаверса, маҳалла фаолиятидаги эътиборсизликлар ва масалга лоқайд ёндашувлар ёшларнинг жиноят содир этиши учун имкон

туғдириши мумкин. «Бир болага етти кўшни ота-она» деганларидек, ота-оналар, маҳалла фаоллари ёшлар тарбиясига лоқайдлик билан ёндашмасдан, бутун эътиборини уларнинг нафақат жисмонан, балки руҳан соғлом ва теран фикрли бўлиб шаклланишига қаратиши лозим. Чунки, фарзандларни хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчидир. Бунда ота-онанинг ўз бурч ва мажбуриятларини қай даражада ҳис этишлари муҳим ўрин тутди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, руҳан носоғлом оила муҳитида тарбия топётган болалар оиладаги доимий зиддиятлардан беэзиб, шунинг таъсирида кўпинча кўчага чиқиб кетади. Бевақт кўчада санғиб юрган болаларнинг кўпчилиги эса жиноят иштирокчилари бўлиб қолмоқда. Зотан, носоғлом оила муҳитида яшайдиган шахсларда жиноятга мойиллик даражаси кўпроқ бўлиб, бундай ҳолат уларнинг руҳиятидаги бузилишлар сабабли юз беради. Бизга маълумки, ҳар қандай жамият тараққиёти соғлом оила муҳитига боғлиқдир. Соғлом оила муҳитида соғлом авлодлар тарбияланади ва қамол топади.

Зеро, соғлом оила, барқамол авлод мамлакат кела-жанининг пойдеворидир.

Баҳром МАҲСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлими бошлиғи

Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДАГИ ФАОЛИЯТ

Маълумки, замонлардан замонларга, аждодлардан авлодларга моддий-маънавий, маданий-маърифий бойликлар, ажойиб аъёналар мерос бўлиб ўтади. Шундай бой мерослардан бири бўлмиш архив ҳужжатларини авайлаб асраб, келажак авлодларга етказиш архив ходимларининг зиммасидадир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизда ички ва ташқи сиёсат соҳасида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбарияти Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб миллий ва диний қадриятларимизни қайта тиклашга ва ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Ўз тарихимизни тўлалигича сақлаб, архив ҳужжатларига эътиборли бўлиши, Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда архив ишларини янада ривожлантириш ва халқаро даражага кўтариш вазифалари илгари сурилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан архив ишини янада такомиллаштириш ва уни халқаро даражага кўтариш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2010 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Архив ишини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу эса мамлакатимизда архив иши янада юқори поғоналарга кўтариш, келгусида давлат архив хизматини аъло даражада ташкил этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида ҳам шундай ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда архив ҳужжатларини жамлаш, қабул қилиш, ҳисобини олиб бориш ва улардан фойдаланиш ишлари режалар асосида ва пухта олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил қилинган бўлиб, унда бугунги кунга қадар 250000 дан ортиқ 1925 йилдан буён йиғилган ҳужжатлар сақланган. Улар орасидан нафақат мамлакатимиз, балки, Ўрта Осиё бўйича илм-фан, техника, саноат, транспорт, алоқа, конструкторлик, ирригация, қишлоқ ва халқ ҳўжалиги, шунингдек, илмий-лойиҳавий ва тиббиёт соҳаларига тааллуқли маълумот ва ҳужжатлар ўрин олган. Шу билан бирга фан тармоқлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган фан арбоблари, профессорларнинг шахсий ҳужжатлари ҳам шу архивда сақланган.

Архивда сақланаётган ҳужжатларни қабул қилиш, жамлаш, тартибга солиш, фондларга ажратиш, ҳужжатлар сақловини янада яхшилаш, таъмирлаш архив ходимларининг асосий вазифалари сирасига киради. Бу ишлар архивнинг асосий, яъни давлат ҳисоби ва илмий ахборот аппарати бўлими, ҳужжатларни жамлаш ва идоравий архивларда иш юритиш бўлими, ҳужжатлар сақловини таъминлаш бўлими, ҳўжалик ҳисобидидаги бўлимлар зиммасига юклатилган.

Архивда тарихий аҳамиятга эга бўлган миллий архив фондида киритилган ҳужжатларни йиғиш, давлат сақловига қабул қилинган ҳужжатларни доимий сақлаш, архивда сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланиш каби унча йўналишда иш олиб борилади.

Архивда сақланаётган нодир ва ноёб ҳужжатлар тиббиёт соҳаси ривожига ҳамда аҳолининг саломатлигини тиклаш мақсадида олиб борилаётган илмий ишлар, монография ва мақолалар учун муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Шунингдек, олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув даргоҳлари талабалари билан архив ишини янада ривожлантириш, ҳужжатларнинг талаб даражасида сақланиши, улардан одилона фойдаланиш ва иш юритиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади. Талабалар билан архивга экскурсия уюштирилиб, бу ерда сақланаётган ҳужжатлар, тарихий аҳамиятга эга бўлган ноёб ҳужжатларнинг илм-фан ривожига тутган ўрни ва аҳамияти хусусида батафсил маълумотлар берилди. Бу ерга таъсирф буюрувчи ўқувчи-талабалар, аспирантлар, докторантлар қолаверса магистрлар учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин.

Архивлар ўзига хос ахборот манбалари бўлиб, архив ҳужжатлари махсус тадқиқотларни талаб этади ва бу ахборотлар мутахассис, илмий ходимлар томонидан ўрганилиб, турли фанлар нуктаи назаридан ҳулосалар чиқариш учун доимий сақланади. Архив ҳужжатларини асраш ва муҳофаза қилиш ҳамда тадқиқотчиларга қулайлик яратиш мақсадида ўта қимматли ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш ва шу асосида уларнинг сўғурта фондларини таъмирлаш ишлари ҳам олиб боришмоқда.

2008 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ўшбу қарорини амалга ошириш юзасидан «Ўзархив» агентлиги ва Марказий давлат архивлари раҳбар ва ходимлари Корея Республикасида бўлиб, Корея Миллий архиви иш фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро фикр алмашиб қайтдилар.

Бу қарор юзасидан Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивига ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиб, бунга кўра ҳужжатлар махсус дастур асосида электрон вари-антга ўтказилмоқда. Бундан ташқари янги компьютер технологиялари, ҳўжатхоналарда ҳаво намлигини бир маромда ушлаб туривчи иситиш ва совутиш ускуналари, ҳўжатларни таъмирлаш учун эса реставрация ускуна-лари келтириб ўрнатилди. Мазкур ишларни амалга ошириш мақсадида архивда «Миллий архив фонди ҳўжатларининг электрон сўғурта нусхаларини яратиш» сектори ташкил қилинди ва бу секторга малакали ёш мутахассислар жалб қилинди.

Архивда илмий-техникавий, тиббиёт ва бошқа соҳаларга оид бўлган шахсий тарихий ҳўжатлар ҳам сақлаб келинади. Шу ҳўжатлар асосида архив «Фуқаролар му-рожаатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан фуқароларнинг ижтимоий-ҳўқуқий сўровларини ҳам бажаради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, архив соҳасига кўрсатилган эътибордан фойдаланган ҳолда архив ишининг янада ривожланиши йўлида қонунларга таяниб, кўрсатилган тартиб-қоидалар доирасида биздан кейин-ги авлодларга тарихимизнинг бой маълумотларини ет-казишни ўз олдимишга асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Азиза ТАШМУХАМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳўжатлари марказий давлат архивининг илмий ходими

Юксак маънавият — енгилмас куч

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР КЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА

Миллий матбуот марказида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Д.Муллажонов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни мустаҳкамлаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга доир фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Уларнинг иж-

роси натижасида юртимизда маънавий-маърифий ислохотлар Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, жойларда минтақавий-худудий кенгашлар орқали мувофиқлаштириб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори мазкур йўналишдаги ишларни тезкор давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш, соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда юрт тақдирига дахлдорлик,

тинч-осойишта, фаровон ҳаётимизга шукроналик туйғусини мустаҳкамлаш бўйича изчил фаолият олиб бормоқда. Шу мақсадда маънавият тарғиботчиларининг профессионал малака ва маҳоратини ошириш, улар сафини салоҳиятли, кўпчиликка, айниқса, ёшларга ижобий таъсир ўтказишга қодир мутахассислар билан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказ қошида вазирлик ва идора-лар, корхона ва ташкилотларда маънавий-маърифий соҳага масъул ходимлар малакасини оширишга ихтисослашган «Маънавият тарғиботчиси» ўқув муассасаси ташкил этилди.

Ўтук олимлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида яратилаётган тарғибот материаллари, буклет ва рисоалар ис-

тиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марралар, бугунги саодатли кунларимиз, баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган ғамхўрликнинг аҳамиятини теран англаш имконини бермоқда. Айни пайтда ушбу материаллар таълим масканларидаги «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Ватан туйғуси» каби дарслар, «Маънавият соатлари»нинг янада сермазмун ўқишга хизмат қилмоқда.

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови жонқуяр, изланувчан, фидойи тарғиботчиларни аниқлаш, уларнинг тажрибасини кенг омалаштириш, меҳнатини рағбатлантириш имконини бермоқда.

Матбуот анжуманида ёшлар онгини турли таҳдидлардан ҳимоялаш, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, бу борада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳусусида батафсил маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилиди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

КИЧКИНТОЙЛАР
МЕҲР ВА
ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни кенг дунёқарашли, теран тафаккурли, жисмонан ва маънан ётуқ инсонлар эътиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимизда инсон азиз, унинг қадр-қиммати юксак. Айниқса, униб-ўсиб келаётган фарзандларга меҳр-эътибор кўрсатиш азалий қадриятларимиздан. Зеро, баркамол авлод — мамлакат келажиги.

Пойтахтимиздаги «Локомотив» маданият ва истироҳат боғида «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шiori остида ўтказилган байрам тадбирида бу жиҳатлар янада яққолроқ намоён бўлди.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тақлиф этилди.

Алоҳида эътиборга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг маънавий-жисмоний камолоти йўлида зарур шароит ва имкониятлар яратиш борасида кенг қўламли эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур боғда — кичкинтойларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган ҳам бунинг исботидир.

— Доим меҳр ва эътибор оғушида эканимиздан хурсандимиз, — дейди Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Муҳриддин Ўролов. — Бу каби тадбирлар таътилни мазмунли ўтказишимиз билан бирга ёшларни мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янада яхши ўқишга, Ватанимиз равақига ҳисса қўшиб яшашга руҳлантиради.

Боғдаги барча аттракционлардан болалар бепул фойдаланиб, куй-қўшиқлар тадбирига ўзгача кўтаринкилик бахш этди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимиздаги «Тошкентленд» болалар истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шiori остида хайрия тадбири ўтказилди.



Темур Мамадалимов олган сурат

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚУВОНЧИ —
КЎНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИ

Тадбир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, «Аминов Макс» ва «Royal muz servis» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унга Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда «SOS — Болалар маҳалласи» тарбияланувчилари, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган хизматчиларнинг фарзандлари тақлиф этилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди раиси ўринбосари Н.Мўминов, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ўқув маркази директори М.Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, пухта таълим олиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топиши, эътиҳамд оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиниши борасида

кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари, фестиваллар, ижодий кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжли болалар учун маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, музейлар, тарихий обидалар, ботаника ва ҳайвонот боғларига саёҳатлар ташкил этилаётди. Бу каби тадбирлар болаларнинг билимини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

— Байрам тадбири менга жуда ёқди, — дейди ЎЗА мухбирига Тошкент шаҳридаги «SOS — Болалар маҳалласи» тарбияланувчиси Бахтиёр Қурбонов. — Мазза қилиб дам олдик, кўплаб дўстлар орттирдик. Таътил кунлари мароқли бўлмоқда.

Тадбирда болаларга совғалар топширилди. «Ором» ашула ва ракс ансамбли ижросидаги куй-қўшиқлар барчага завқ бағишлади.

Б.МЕЛИКУЛОВА

Халқаро маданият карвон саройида Яккасарой тумани «Баркамол авлод» болалар марказининг «Биз бахтли болалармиз!» номили кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

БИЗ БАХТЛИ БОЛАЛАРМИЗ!

— Бизнинг асосий мақсадимиз ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ташқари таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, уларга мактабдан ташқари таълим бўйича давлат талаблари асосида билим ва кўникма бериш, ҳар бир боланинг билим даражасини, ижодий имкониятларини аниқлаш ва тўлақонли ривожлантириш орқали ўқув дастурларини ўзлаштиришга эришиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборат, — дейди Яккасарой тумани «Баркамол авлод» болалар марказининг раҳбари Дилдора Яхьяева.

— Биз илгор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда билим беришнинг янги шаклларида экзкурсия, тест ва интерфаол ўйинлар орқали ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини юксалтирмоқдамиз. Хозирги кунда бизнинг марказимизда 26 та тўғарақда 500 дан ортиқ ўғил-қизлар таълим олмоқда. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Кўргазмага қўйилган ўғил-қизларнинг санъат асарлари келган меҳмонларнинг кўнглидан жой олди, десам адашмайман.

Кўргазмадан «Тўқиш» тўғараги аъзоларининг турли тўқиган буюмлари, ўғил-қизларнинг расмлари ва кулолчилик ишлари ўрин олган. Уларни кузатсангиз ҳар бирининг меҳр билан ишланганини сезасиз.

Яккасарой тумани «Баркамол авлод» болалар маркази турли кўргазмаларда, байрам тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

«Биз бахтли болалармиз!» кўргазмаси 8 июнга қадар давом этади.

Хабига ЎЙЛДОВШЕВА
Алексей Попов олган сурат

ТИНЧЛИК ДОИМ БАРҚАРОР
БЎЛСИН

Ёшлар ижод саройида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан «Ер қуррасида тинчлик» деб номланган болалар расмлари кўргазмаси таътил этилди. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш мавзусидаги расмлари намойиш этилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Н.Мўминов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг қобилияти ва салоҳиятини эрта аниқлаш, истеъдодли болалар сафини тобора кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, санъат фестиваллари айни эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бадий академия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ҳар йили «Ер қуррасида тинчлик» мавзусида расмлар кўрик-танлови ҳамда бадий кўргазма ўтказиб келмоқда. Мазкур ижодий лойиҳадан қўзланган асосий мақсад болаларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқиши ва интилишини қўжайтириш орқали уларда ватанпарварлик, юртининг эртанги кунини ўқувчи билан дахлдорлик, истиқлол ато этган буюқ неъматларнинг қадрига етиш туйғуларини тобора мустаҳкамлашдан иборатдир.

— Тинчлик туфайли осмонимиз мусаффо, юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз янада гўзал бўлади, — дейди кўргазма иштирокчиси, 55-умумтаълим шаҳабининг 7-синф ўқувчиси Назокат Жўрабоева. — Осузда юрда болалар оиласи даврасида хотиржам яшайди. Улар мактабга, оромгоҳларга, истироҳат боғларига бемалол боради. Жонаҳон Ўзбекистонимизда тинчлик, осойишталик доим бажариб бўлишимиз, барча одамлар аҳил яшашини орзу қиламан. «Юртимиз доим тинч бўлсин!» номили суратимда ҳам шу мавзунинг имкон қадар очишга интилганман.

Кўргазма якуни бўйича 3-6 ёшли болалар ўртасида Гулистон шаҳридаги 22-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Миржалол Мўминов, 7-11 ёшли қатнашчилар орасида Самарқанд шаҳридаги 35-мактаб ўқувчиси Фархунда Мажидий, 12 ёшдан 15 ёшгача болалар гуруҳида Тошкентдаги 86-умумтаълим мактаби ўқувчиси Камилла Сағатова биринчи ўринга лойиқ топилди. Фойиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

(ЎЗА)

Сўраш,
жавоб берамиз

Тарафларнинг келишувига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бир-биридан қандай фарқ қилади?

С.Олимова,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан ходимнинг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда фақат унинг хоҳиши қифоя бўлиб, бу истак ёзма тарзда аризада ифода этилади. Оғоҳлантириш мuddати тугагандан кейин ходим ишни тўқатишга ҳақли. Иш берувчи эса ходимга тегишли меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Меҳнат кодексининг 97-моддасига асосан тарафларнинг келишув билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун эса ҳам ходимнинг, ҳам иш берувчининг истаги бўлиши зарур.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги тарафларнинг келишувини бир томонлама, яъни фақат ходимнинг истаги ёки иш берувчининг қарори билан бекор қилиниши мумкин эмас. Меҳнат шартномасида қатнашувчи тарафларнинг келишув билангина бундан битимлар бекор қилинишига йўл қўйилиши белгиланган.

Ноҳира ТУРАЛОВА,

Учтепа туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини бекор қилиш қандай ҳолларда шу органнинг ўзига, қандай ҳолларда суд орқали ҳал этилади?

Ш.Даминов,

Мирзо Улугбек тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 233-моддасига асосан агар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи икки ва ундан ортиқ бир хил ёзувлар борлигини аниқласа, тикланган ёзувлар ўша ёзув тўғрисидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бекор қилиниши мумкин.

Агар топилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларида фамилия, исм, отасининг исми, туғилган санаси, ота-она тўғрисидаги маълумотларда жиҳдий фарқ бўлса, тикланган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларининг суднинг ҳал қилув қарори билан бекор қилиниши белгиланган.

Нурмуҳаммад ЖУМАКУЛОВ,

Чилонзор туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуси

Оилада эр-хотиннинг «биргаликдаги умумий мулк» деганда нималар тушунилади? Банкка қўйилган пул омонатлари, бизнесдаги маблағлар ва хусусий корхонадаги улушлари ҳам «умумий мулк» ҳисобланадими?

А. Азимова,

Сергели тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек, эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар, агар қонун ёки бошқа ҳужжатларда бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва қўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган қалитдаги улушлари, ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклар, улар эр ва хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулк ҳисобланади.

Шоҳиста ЗУФАРОВА,

Дилдора АБДУЛЛАЕВА,

Учтепа туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуслари

Оғзаки тартибдаги шартнома деганда нима тушунилади. Агар шу юзасидан низо пайдо бўлиб қолса, иш судда қўрилганда, оғзаки шартнома инобатга олинадими?

Ф.Жалилова,

Яшнобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105-106-моддаларига мувофиқ битимлар оғзаки ёки ёзма, яъни оддий ёки нотариал тасдиқланган шаклда тузилади. Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувига ёзма шакли белгиланган бўлмаган, жузладан, тузилаётган вақтининг ўзидаёқ бажарилмаган битим оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Шахсининг ҳатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ фуқаролар ўртасида агар қарз миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлса, қарз шартномаси оддий, оғзаки тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қарзни ундириш ҳақидаги иш судда қўрилишида, албатта, оғзаки шартноманинг инобатга олиниши белгиланган.

Тошмирза АҲМЕДОВ,

Сергели туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси

Никоҳ шартномаси тузилгандан кейин уни бекор қилиш ёки ўзгартиришлар қилинишига йўл қўйилмади. Бунинг учун ҳар иккала томон ҳам розилик бериши шартми ёки бир томоннинг ихтиёри билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинми?

С.Юлчиев,

Юнособод тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 32-моддасига асосан никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишув билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош торттишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ тугатилган ҳолларда, никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди. Никоҳ шартномасида никоҳ тугатилгандан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно этиб белгиланган.

Наргиза МУХАММАДИЕВА,

Сергели туманидаги 4-сонли ДНИ нотариуси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ALKO MIR KRISTAL» хусусий корхонаси (ИНН: 303213547) шакли ўзгартирилиб, mas'uliyati cheklangan jamiyatiga aylantirilib, ҳақида маълум қилади. Давволат 2 ой давомида қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 40 в-уй.

Бешинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Ўзбекистон Миллий университетида қачон Мирзо Улуғбек номи берилган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фаворалар, қайта таъмирланиб, янги ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга оцаётган ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми»

«Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мулқ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятига ёки gazeta-vto@mail.ru, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўллагани лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Спорт янгилликлари

ЖЎРАБЕКНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Париж шаҳрида «Катта дубулға» туркумига кирувчи «Ролан Гаррос» халқаро турнирининг ёшлар ўртасидаги баҳсларида ҳамюртимиз Жўрабек Каримов муваффақиятли иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда теннисни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор натижасида кўплаб маҳоратли теннисчиларимиз халқаро турнирларда Ватанимиз ша- рафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Жўрабек Каримов ана шундай теннисчилардан би- ридир.

Жўрабек шу кунга қадар Ўзбекистон чем- пионати ва ITF туркумига кирувчи қатор хал- қаро турнирларда голиб бўлган. Жорий йил-

да у «Катта дубулға» туркумига кирувчи ёшлар ўртасидаги «Австралия опен — 2015» турни- ридида ҳам муносиб катнашди.

Теннисчимиз «Ролан Гаррос» мусобақа- сининг биринчи давраида франциялик тен- нисчи Максим Петелни 6:1, 6:4 ҳисобида, иккинчи даврада Жанубий Корея вакили Сеон Чан Хонгни 6:2, 6:3 ҳисобида мағлу- биятга учратди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида «Ёш қутқарувчи» клублари ўртасидаги мусобақаларнинг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа Ўзбекистон Рес- публикаси Фавқулодда вази- ятлар, Халқ таълими вази- рлиги, Ўрта махсус, касб- ҳунар таълими маркази, «Ка- молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вази- ри Т.Уддйбергенов ва бош- қалар мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамо- лигида фавқулодда вазият- лардан огохлантириш ва уларга қарши курашишнинг самарали тизими яратилган- ини таъкидлади. Айни пайт- да аҳоли, айниқса, ёшларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш дастури тизимнинг муҳим таркибий қисмидир.

Бугун умумтаълим мактаб- лари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Ёш қутқарувчи» клублари фаол- лият юритмоқда. Ушбу клублар- да олиб борилаётган машғу- лотларда болалар биринчи ёрдам кўрсатиш усулларини ўрганиб, альпинизм ва қояга чиқиш кўникмаси билан та- нишмоқда, жисмоний тайёр-

ҚУТҚАРУВЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

гарлигини мустаҳкамламоқда. Ўзбекистон Республикаси Ва- зирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлда қабул қилин- ган «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқ- лаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказиб келинаётган «Ёш қутқарувчи» мусобақаси таълим дастурининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Мусобақанинг саралаш босқичларида академик ли- цей ва касб-хунар коллеж- ларининг 918 ва умумтаълим мактабларининг икки мингдан ортқ жамоаси иштирок этди. Мусобақанинг финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа ўзаро баҳслашди.

Иштирокчилар жисмоний тайёргарлик ва биринчи тиб-

бий ёрдам кўрсатишга доир кўникмаларини намоён этиб, махсус саволларга жа- воб қайтарди.

Финалда Тошкент шаҳри- даги 58-умумтаълим макта- би голиб бўлди. Андижон ви- лояти Қўрғонтепа туманида- ги 37-умумтаълим мактаби иккинчи ва Навоий шаҳрида- ги 13-умумтаълим мактаби учинчи ўринни эгаллади.

— Биз фақат галаба козо- нишга ҳаракат қилдик, — дей- ди Тошкент шаҳридаги 58- умумтаълим мактаби жамоа- си сардори М.Саидова. — Спорт билан пухта шўғул- ланиб, соҳага оид махсус ада- биётларни ўқидик ва бирин- чи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини ўргандик. Ўзаро ёрдам, жамоамизнинг жипс- лиги ва аъло кайфият энг яхши натижаларга эришиш имконини берди.

Роман БОНДАРЧУК,
Ўза мухбири

Пойтахтимиздаги «Некст» савдо мажмуасида жойлашган «ICE RINK» муз саройида хоккей бўйича мамлакатимизда биринчи бор ёшлар ва ўсмирлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Беллашувлар «Некст» ҳамда «Бинокор» хоккей мактабларининг ёш тарбия- ланувчилари ўртасида ўтқа- зилиб, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағиш- ланди. Мамлакатимизда му- собаканинг илк бор ўтқази- лишига қарамай ёш хоккей- чилар баҳслар давомида мохирона ҳаракатлари бил- ан томошабинларда илқ таассурот қолдиришди.

— Ушбу спорт турига ёшлар катта қизиқиш бил-

дирмоқда, — дейди бош му- раббий Алишер Азимов. — Клубимизга аъзо бўлган болалар машғулотлар да- вомида ўзларини фаол кўрсатмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда хоккей спортини янада ривожлан- тиришдир.

Тадбир якунида ташки- лотчилар ва ҳомийлар то- монидан мусобақанинг ёш иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

КАНОЭЧИЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН КУБОГИДАГИ ҒАЛАБАСИ

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Турнирда Ўзбекистон спортчилари биттадан олтин, кумуш ва бронза медалини қўлга киритди.

Дунёнинг эллиқдан зиёд мамлакатидан 650 спортчи ишти- рок этган халқаро мусобақанинг 1000 метрга каноэда эшак эшиш бўйича тўртликлар пойғасида икки карра жаҳон чемпио- ни Вадим Меньков ва тажрибали спортчилар Герасим Кочнев, Элдор Қайюмов, Серик Мирбековдан таркиб топган терма жа- моамиз вакиллари олтин медалга сазовор бўлишди. Соврин- дорлар училигида кейинги поғоналарни Украина ва Мексика терма жамоалари вакиллари эгаллади.

Дилноза Раҳматова каноэ бўйича 500 метр масофага эшак эшиш бўйича иккинчи ўрин эгасига айланган бўлса, жуфтлик- да Нилуфар Зокирова билан шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Кўрсатилган ушбу натижадан сўнг терма жамоамиз аъзола- ри Даниянинг Копенгаген шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон ку- богининг учинчи босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга ки- ритишди.

Абдулазиз МУСАЕВ

— Мен «Билимлар беллашуви» нинг шаҳар босқи- чида энг юқори кўрсаткичга сазовор бўлдим ва бун- дан жуда ҳам мамнунман, — дейди Бектемир тум- нидаги 291-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Илём Соди- ков. — Танловда кўплаб дўстлар ортттирдим. Асосий- си, ушбу танлов ўзимга бўлган ишончини мустаҳкам- лаб берди. Мени қўллаб турган яқинларимга ва ўқитувчиларимга миннатдорчилик билдириб қоламан, Келажакда ўз билим ва салоҳиятим билан она Вата- нимиз тараққиёти йўлида астойдил хизмат қиламан.

Танлов сўнггида голиблар шаҳар Халқ таълими бош бoшқармасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совға- лари билан тақдирланди.

28 нафар ўқувчилар «Билимлар беллашуви»нинг рес- публика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СЕРҚУЁШ ҲУР ЎЛКАМ

«Баркамол авлод» болалар ўлкашунослик ва экология марказида «Серқуёш ҳур ўлкам» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ва миллий кадриятларимизнинг ҳаётдаги ўрни ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган бўлиб, ҳар йили аънаввий равишда ўтказиб келинмоқда.

Танловда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпо- гистон Республикасидан таширф буюрган голиб жамоа- лар иштирок этди.

Иштирокчилар деворий газеталар, тест синови, эр- кин мавзу шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Тадбир сўнггида голиб жамоаларга «Баркамол авлод» Республика ўлкашунослик ва экология маркази томони- дан фахрий ёрлиқ ва совғалар тақдим этилди.

— «Серқуёш ҳур ўлкам» кўрик-танловини ўтказишдан мақсад, юртимиз тарихини, халқимизнинг бой маданий меросини ўрганиш, ўлкашунослик ва ўзликни англаш гоғларини тарғиб қилишдан иборат, — дейди «Барка- мол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва эко- логия марказининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Хайриддин Боиров.

Дарҳақиқат, мазкур танловдан ёшлар ўртасида ва- танпарварлик, дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик муноса- батларини янада мустаҳкамлаш, ўлкашунослик йўнали- шидagi тўғрақ аъзоларининг ижодий изланишларини камол топтириш ҳамда иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақ- садлари қамраб олган.

Гулнор САТТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аук- цион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 7 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйил- моқда:

1. Яккасарой туман СИБ томонидан, 2010 йил 16 декабрь кунги 10-1019/14722-сонли ижро вара- қасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чортоқ кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3350 кв.м., фойдали майдони 2589 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 1 ва 3 қаватли профилактория бинолари. Бошлангич нархи 1 148 264 651 сўм.

2. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 2015 йил 20 февраль кунги ЖСХ-1-36/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 17-мавзе, Ботирма кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 500 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва яюви биноси. Бошлангич нархи 552 927 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бе- восита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтаинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бош- ланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш иста- гида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳи- да тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Юнусобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини ме- тодик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Ўзбекистон Республи- каси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яши- лаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 184-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман тасарруфидидаги мактабларда овқатланиш шарт-шароитини яшилалш мақсадида юридик шахс макромига эга бўлган корхоналар ўртасида мактаб ошоналарига хизмат кўрса- тиш бўйича танловлар ўтказилишини маълум қилди. Талабгорлар Юнусобод туман ХТМФМТТЗБга мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Юнусобод тумани, 13-мавзе, тел: 224-54-69

«ALISHER-GRAND-SERVIS» масъулияти чекланган жамиятга (ИНН 302266728) тегишли корхонанинг Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2012 йил 10 апрелда берилган №004546-рақамли гувоҳнома- си ва ушбу корхонага тегишли ААН № 0004506-ра- қамли, 2012 йил 15 ноябрда берилган лицензияси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«MODERN SILVER» масъулияти чекланган жамиятга (ИНН 303063742) тегишли корхонага Юнусобод туман- ни ҳокимлиги томонидан 2014 йил 6 октябрда берил- ган №007891 рақамли гувоҳнома си ва 2014 йил 10 октябрда берилган УС №011480 рақамли лицензияси шу таъкилотга тегишли уставининг йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 5 июль

Тошкент шаҳрида 5 июль шаҳрининг об-ҳаво шароити куни ҳаво ўзгариб туради, шаҳар ҳаво муҳитида зарар- ёғишчилик бўлмади. Шарқ- ли моддаларнинг сақланиб дан секундида 3-8 метр тез- ликда шамол эсади. Ҳарорат ди, ифосланиш даражаси кечаси — 20-22, кундузи — наст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г- 655

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50